



ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН
ДОНИШКАДАИ ОМУЪЗГОРИИ ТОҶИКИСТОН ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ
МИНИСТЕРСТВО ОБРАЗОВАНИЯ И НАУКИ РЕСПУБЛИКИ ТАДЖИКИСТАН
ТАДЖИКСКИЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ В Г. ПЕНДЖИКЕНТ



ПАЁМИ ДОНИШКАДА ВЕСТНИК ИНСТИТУТА HERALD OF INSTITUTE

НАШРИ МАХСУС / СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК / SPECIAL EDITION

**БО ҲАМКОРӢ БО ТАҲРИРИЯТИ МАҚАЛЛАҲОИ ИЛМӢ-
ПАЖӢҲИШИИ «АНВОРИ ИЛМ» ВА «ТАФАККУРИ ТАЪРИХ»**

**СОВМЕСТНО С РЕДАКЦИЕЙ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ ЖУРНАЛОВ «АНВОРИ ИЛМ» И
«ТАФАККУРИ ТАЪРИХ»**

**IN COLLABORATION WITH THE EDITORIAL STAFF OF THE
RESEARCH JOURNALS "ANVORI ILM" AND "TAFAKKURI
TARIKH"**



**ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН
ДОНИШКАДАИ ОМУЌЗОРИИ ТОҶИКИСТОН
ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**



МАВОДИ

анҷумани илмӣ-амалии байналмилали “Масоили мубрами таърих, фарҳанг, таърихнигорӣ ва манбаъшиносии халқҳои Осиёи Миёна”, дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент, ба муносибати 60 солагии доктори фанҳои таърих, профессор Воҳидов Шодмон Ҳусейнович

МАТЕРИАЛЫ

научно-практической международной конференции “Актуальные проблемы истории, истории культуры, историографии и источниковедения истории народов Средней Азии” в Таджикском педагогическом институте в городе Пенджикент, в честь 60-летия доктора исторических наук, профессора Вохидова Шодмона Хусейновича

MATERIALS

scientific-practical international conference "Actual problems of history, cultural history, historiography and source study of the history of the peoples of Central Asia" at the Tajik Pedagogical Institute in the city of Penjikent, in honor of the 60th anniversary of Doctor of Historical Sciences, Professor Vohidov Shodmon Khuseinovich

Панҷакент - 2021

МАСОНИИ МУБРАМИ ТАЪРИХ, ТАЪРИХИ МАДАНИЯТ, ТАЪРИХНИГОРӢ ВА МАНБАЪШИНОСИ ТАЪРИХИ ХАЛҚҲОН
ОСИЁИ МИЁНА/ АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ИСТОРИИ, ИСТОРИИ КУЛЬТУРЫ, ИСТОРИОГРАФИИ И
ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЯ ИСТОРИИ НАРОДОВСРЕДНЕЙ АЗИИ/ TOPICAL PROBLEMS OF THE HISTORY, CULTURAL
HISTORY, HISTORIOGRAPHY AND SOURCE STUDIES OF THE HISTORY OF THE PEOPLE OF CENTRAL ASIA

		NAMUNALARI	
124.	Ражабов Ойбек	БУХОРОЛИК УРТА АСР ИСЛОМШУНОС ОЛИМЛАР	496
125.	Раҳимов Б., Ашрапов Б.П.	ВАНДҲОИ ИСМСОЗ ДАР ЗАБОНИ АДАБИИ ТОҶИКИИ ҚАРНИ XVIII (дар мисоли «Тухфат-ул-хонӣ»-и Муҳаммадвафои Карминағӣ)	499
126.	Раҳимов Н.Т.	ПЕТРОГЛИФЫ УЩЕЛЬЯ НАВОЛИ	505
127.	Раҳмонов Камол Жамолович	БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ҲАРБИЙ ИСЛОҲОТЛАРИ (“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари материаллари асосида)	511
128.	Раҳмонов Мирсаид	НАЗАРИ ТАҲЛИЛИЕ БА НАҚШИ АКАДЕМИЯИ МИЛЛИИ ИЛМҲОИ ТОҶИКИСТОН ДАР РУШДИ ИЛМУ МАЪРИФАТ (Ба муносибати 70 солагии АМИТ ва нақши олимону ходимони он)	513
129.	Rajabova Sabohat Bobirovna	SURXONDARYO VILOYATI XOTIN- QIZLARNING TADBIRKORLIK FAOLIYATI VA ULARNING QO'LLAB-QUVVATLANISHI	517
130.	Раҳмонов Мирсаид	НАЗАРИ ГЕОСТРАТЕГИЕ БА МАКОНҲОИ САЙЁҲӢ ВА ОБУ ЧАШМАҲОИ МУСАФҲОИ ТОҶИКИСТОН (ба муносибати эълон гардидани солҳои 2019-2021 ҳамчун “солҳои рушди деҳот, сайёҳӣ ва ҳунарҳои мардумӣ”)	521
131.	Рузматова Шаҳодат Абдукаҳхаровна	XVIII АСР БОШЛАРИДА ФАРҶОНА ҲУДУДИДАГИ МАҲАЛЛИЙ ҚАБИЛА- УРУҒЛАРИНИНГ МАМЛАКАТ СИЁСИЙ ҲАЁТИДАГИ РОЛИ	526
132.	Раҳмонов Суннатилло Мавлонович	ДУХОВНО-ПРАВСТВЕННОЕ ВОСПИТАНИЕ ЧЕЛОВЕКА В РАБОТАХ ДЖАЛАЛИДДИНА РУМИ	530
133.	Рашидов Ойбек Расулович	ЎЗБЕК ЖАМИЯТИДА БОЛЬШЕВИКЛАРИНИНГ “СИНФИЙ КУРАШ”	534
134.	Рашидов Шароф Холмуродович	XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА МИРЗАЧҲЛ ВОҲАСИДАГИ ТАБИИЙ МУҲИТ ВА МАҲАЛЛИЙ МАНЗИЛГОҲЛАР	536
135.	Рашидова Дилафрӯз	ТАБИАТИ ЗЕБО АЗ ОМИЛҲОИ	542

16. Ташбаева К.И. Памятники Кыргызстана //Памятники наскального искусства Центральной Азии: общественное участие, менеджмент, консервация, документация. – Алматы: ЮНЕСКО – Республиканский НИПИ ПМК, 2004. – С.98

17. Хайдаров Ш., Одегов В.В. Следы арийской цивилизации в Прикамье. – Пермь, 2006. – С.12

БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ҲАРБИЙ ИСЛОҲОТЛАРИ

(“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари материаллари асосида)

Раҳмонов Камол Жамолвич – тарих фанлари номзоди
Бухоро давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси доценти, Бухоро,
Ўзбекистон
+99 890 745 19 59; E-mail: kamol.rakhmonov @ mail.ru

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида БХСРдаги ҳарбий ислоҳотлар ва ҳарбийларнинг турмуш тарзи билан боғлиқ муаммолар ёритиб борилган. “Бухоро ахбори”да ёзилишича: “Миллатнинг саодати учун икки нарса, биринчиси, илми-маориф, иккинчиси, яхши ва интизомли аскар ташкил қилмак зарур”¹.

Учратилган манбаларда Бухоро амирлиги тузумини ағдариш вазифасини асосан қизил аскарлар ёрдамида бажарилганлигига алоҳида урғу берилиб, бундан кейин миллий-демократик мустақил давлатни барпо қилиш тамал тошларидан бири-маҳаллий халқ вакилларида иборат қўшин тузиш зарурлиги қайд қилинади. Давлат ва сиёсий арбоблардан Файзулла Хўжаев, Абдулқодир Муҳиддинов, Қори Йўлдош Пулатов, Маҳмуд Саид Аҳрорий, Абдулҳамид Орипов, Аббос Алиев кабиларнинг матбуотда айнан шу муаммога бағишланган салмоқли мақолалари чоп этилган. Жумладан, А.Муҳиддиновнинг “Эл аскарни қизил аскар”², А.Алиевнинг “5 феврал-армияга сафарбарлик куни”³, С.Аҳрорийнинг “Ҳарбий ишларимиз ҳам алмашсун”⁴, Ф.Хўжаевнинг “Душманларимиз билсунлар”⁵, Қ.Й.Пўлатовнинг “Мустақил бир мамлакат қандай бўлур?”⁶ каби мақолалари миллий ҳукуматнинг бўлажак армияси қандай бўлиши кераклиги, уни яратиш асослари, муаммолари билан боғлиқ кенг қамровли масалаларни ўз ичига олади. Қ.Й.Пўлатов: “Мамлакат мудофаси учун оқча, озуқа ва молни аямаслик керак”⁷, - деб ёзса, С. Аҳрорий: “Эндиги вазифа расмий ҳужжатлар юритишдаги, команда беришдаги русча муомала ўрнига ўзбакча мулоқотни жорий қилишдур”⁸, - деб ёзганди. А. Муҳиддинов ўз мақоласи мазмунига қизил армия қисмлари Бухоро худудида турар экан, республика мустақиллиги фақат сўздан иборат бўлиб қолади каби фикрларни сингдирган⁹.

БХСР ҳарбий ишлар халқ нозирлиги (нозир – Файзулла Хўжаев) 1921 йил 1 февралда қуйидаги ҳарбий қисмлар ва бошқармаларни ташкил қилиш тўғрисида қарор чиқарди: нозирлик шўъбаси; комендант, мусиқа, хўжалик ва ишчи роталари; Бухоро,

¹ Интизомли аскар ташкил қилмак керак //Бухоро ахбори. 78-сон. 1922 йил 11 апрел.

² Бухоро ахбори. 23-сон. 1921 йил 5 феврал.

³ Бухоро ахбори. 23-сон. 1921 йил 5 феврал.

⁴ Бухоро ахбори. 34-сон. 1921 йил 1 май.

⁵ Бухоро ахбори. 90-сон. 1922 йил 15 июл.

⁶ Бухоро ахбори. 107-сон, 1922 йил 2 ноябр.

⁷ Қори Йўлдош. Мустақил бир мамлакат қандай бўлур?//Бухоро ахбори. 107-сон. 1922 йил 2 ноябр.

⁸ Саид Аҳрорий. Ҳарбий ишларимиз ҳам алмашсун //Бухоро ахбори. 34-сон. 1921 йил 1 май.

⁹ Абдулқодир М. Эл аскарни - қизил аскар. //Бухоро ахбори. 23-сон 1921 йил 5 феврал.

Чоржўй, Кармана, Қарши, Шаҳрисабз, Ҳисор, Шеробод вилоятлари ҳарбий нозирликлари; командирлар тайёрлайдиган 1-Бухоро ҳарбий мактаби каби маълумотлар келтирилади архив ҳужжатларининг бирида¹. “Бухоро ахбори” газетасида газетасида ёзилишича эса, 1921 йилдан бошлаб, 5 феврал санаси БХСР армиясига умумий сафарбарлик куни сифатида нишонланган². Армиянинг миллий рамзларини яратиш, мардлик ва жасорат кўрсатган аскарларни тақдирлаш учун нишон жорий қилиш, миллий армияни мустақкамлаш ойна тадбирларини ўтказиш қабилар газеталарда кенг тарғиб қилинди ва ёритилди³. “Бухоро ахбори”да: “Бухоро инқилобий инқилобий кўмитаси икки турда нишон таъсис этди. Биринчи нишон тиллодан бўлиб, 8 қиррали юлдуз, унинг ичида ҳукуматнинг байроғи. Иккинчи нишон ҳам худди шу тартибда ясаиб, фақат нуқрадан қилинган”⁴, - деб ёзилади. Тарихчи Қ.Ражабовнинг маълумотларига қараганда, ушбу нишонларнинг расми бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ҳузуридаги архивда сақланмоқда. Ҳукумат ҳарбийлар моддий аҳволини яхшилаш чораларини ҳам кўрган. Бу ҳақда газеталарда: “Нозирлар Шўроси ҳарбий ва доҳилия ишлари назорати ихтиёрига 7 пуд (4000 сўм) олтин берди, бу олтин аскарлар ва милицияга керагича сарф этилғусидур”⁵. “Аскарлар жойлашган казармаларни таъмирлаш учун иқтисод шўроси тарафидан 183 минг танга ажратилди”⁶, ажратилди”⁶, - каби кўплаб маълумотлар келтирилади.

Аскарларни моддий шарт-шароитларини яхшилаш билан бирга улар маънавиятини кўтариш, маърифатли қилиш масаласи ҳам газеталарда чоп этилган бир қатор мақолаларда қайд қилинади⁷. Жумладан, газета мухбирларидан бири Бекбой армия ва милициядаги маънавий-ахлоқий тарбия тўғрисида фикр юритар экан, аскарларнинг паст даражадаги саводхонлигининг (айниқса, маҳаллий халқ вакиллари орасида) сабаби - “бу бутун илм Бухоро шаҳридаги мадрасаларга берилуб, халқдаги маорифга эҳтиёж аҳамиятсиз қолдирилганлиги асоратидур”⁸, - деб ёзади ўзининг мақолаларидан бирида.

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари материаллари маълумотича, миллий армияни истиқболда республика ҳудудида ишлаб чиқариладиган қуроллар билан таъминлаш ҳам режалаштирилган эди. 1922 йилда ҳарбий нозирлик томонидан амир замонидан қолган милтиқ ва тўпларни таъмирлашга буйруқ берилган⁹.

Матбуот нашрлари республиканинг охириги йилларида (1923-1924 йиллар) аскарлар таъминоти бироз ўсганлиги, улар саводхонлиги ва ҳарбий тажрибаси ортанлиги, ҳарбийлар учун қурилган яшаш бинолари бунёд этилганлиги тўғрисида бир қадар ижобий маълумотларни келтиради¹⁰.

¹ Ўзбекистон МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 42-иш, 86-89-варақлар.

² Бу ўринда 5 феврал - БХСРда миллий армия кунини байрам қилиш аънанасини ташкил қилиш ҳаракати бўлганлиги назарда тутилади.

³ Бухоро ахбори. 90-сон. 1922 йил 15 июн; 181-сон. 1923 йил 12 июл; 192-сон. 1923 йил 22 август.

⁴ Аскарлик хизматида фидокорлик ва қаҳрамонлик кўрсатганларга нишон // Бухоро ахбори. 90-сон. 1922 йил 15 июл.

⁵ Ҳукумат аскар ва милицияни унутмайдир // Бухоро ахбори. 181-сон. 1923 йил 12 июн.

⁶ Казармаларни тузатиш // Бухоро ахбори. 205-сон. 1923 йил 23 сентябр.

⁷ Дастуриламал // Бухоро ахбори. 24-сон. 1921 йил 17 феврал; Саид Аҳрорий. Ҳарбий ишларимиз ҳам алмашсун! // Бухоро ахбори. 34-сон. 1921 йил 1 май. Интизомли аскар ташкил қилмак керак (?) // Бухоро ахбори. 78-сон. 1922 йил 11 апрел; “Мухбир”. Чоржўйда кўнгилли курсантлар курси // Бухоро ахбори. 130-сон. 1923 йил 1 январ; Бекбой. Милицияни ўқитмак керак // Бухоро ахбори. 134-сон. 1923 йил 15 феврал; Аҳмад Аҳмадов. Бухорода қизил милициялар курси // Бухоро ахбори. 155-сон. 1923 йил 12 апрел.

⁸ Бекбой. Милицияни ўқитмак керак // Бухоро ахбори. 134-сон. 1923 йил 15 феврал.

⁹ Ушбу буйруқ БХСР ҳарбий ишлар нозир Абдулхамид Орипов томонидан имзоланган.

¹⁰ Аскарлар турмушидан лавҳа // Бухоро ахбори. 169-сон. 1923 йил 12 май; Казармаларни тузатиш // Бухоро ахбори. 205-сон. 1923 йил 23 сентябр. Отлик полкда ҳавзалсихат ишлари // Озод Бухоро. 144-

Бироқ миллий ҳукумат режалаштирганидек, маҳаллий халқлар вакилларида мунтазам армия тузиш, уни замонавий ҳарбий аслаҳалар билан қуроллантириш, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, маҳаллий ҳарбий трибунал¹ни шакллантириш вазифалари бажарилмаган. Жумладан, ҳарбийлар соғлигини назорат қилиш ҳам етарли йўлга қўйилмаган, ҳарбий шифокор мутахассислар етишмаган.

БХСР ҳукумати ўзи учун мураккаб ва оғир бўлган ички ва ташқи вазиятга қарамай, ўша даврнинг замонавий армия тизимлари янгиликларини жорий қилиш вазифасига киришган. Бироқ аҳолининг кенг қатламлари орасига, айниқса, чекка вилоят ва кентларда, қишлоқларда яшовчи кишилар турмушига бу каби янгиликлар кириб бормаганлигини Бухоро матбуоти орқали билиш мумкин.

НАЗАРИ ТАҲЛИЛИЕ БА НАҚШИ АКАДЕМИЯИ МИЛЛИИ ИЛМҲОИ ТОҶИКИСТОН ДАР РУШДИ ИЛМУ МАЪРИФАТ (Ба муносибати 70 солагии АМИТ ва нақши олимону ходимони он)

Мирсаид Раҳмонов

ходими калони илми Институти омӯзиши масъалаҳои давлатҳои
Осиё ва Аврупои АМИТ

Дар Паёми солони Президенти кишвар, Пешвои Миллат мўҳтарам Эмомалӣ Раҳмон вазифаҳои асосии муассисаҳои илмӣ аз ҷумла нақши Академияи миллии илмҳои Тоҷикистон мавриди таъкид ва баррасӣ қарор гирифта, чунин зикр шудааст: «Махсусан, вусъат додани раванди ихтироъкорӣ, азхудкунии технологияҳои инноватсионӣ ва ҷорӣ кардани онҳо дар истеҳсолот вазифаи аввалиндараҷаи олимони кишвар маҳсуб меёбад... Олимони кишварро зарур аст, ки ҷиҳати баланд бардоштани қобилияти рақобати илмии ватанӣ қорҳои таҳқиқотиву технологиро вусъат бахшанд».

Ба ҳамин мақсад дӯст доштем то ба муносибати 70 солагии боргоҳи илму маърифат Академияи миллии илмҳои Тоҷикистон назари таҳлилии ба таърихча ва нақши олимону ходимони он дошта бошем. Мавриди зикр аст, ки ибтидои солҳои 1930 дар собиқ Тоҷикистони Иттиҳоди Шӯравӣ қорҳои мунтазаму илмиву тадқиқотӣ ба мақсади омӯзиши таъриху фарҳанги халқи тоҷик, захираҳои табиӣ ҷумҳурӣ, таъсиси марказҳои тадқиқотӣ ва тайёр кардани мутахассисони илмӣ аз тарафи олимони Академияи илмҳои Иттиҳоди Шӯравӣ роҳандозӣ шуд.

Ҳамин тавр, моҳи январи соли 1933 Раёсати идорӣ ё пойгоҳи Академияи илмҳои Иттиҳоди Шӯравӣ дар Тоҷикистон таъсис ёфта, директори нахустини он академик С.Ф.Олденбург (1868-1935) таъйин гардид. Маркази мазкур шомили бахшҳои геология, ботаника, зоологияву паразитология, хокшиносӣ, илмҳои гуманитариро буд. Дар зимни он зарурати таъсиси институтҳои махсуси илмиву таҳқиқотӣ ба вуҷуд омад, ки ба ҳал намудани масъалаҳои муҳим ва мураб бахшида шуда буданд.

Ҳамин хел, соли 1940 идораи мазкур ба Филиали Академияи илмҳои Иттиҳоди Шӯравӣ дар Тоҷикистон бо институтҳои геология, ботаника, зоология ва паразитология, таърих, забон ва адабиёт тағйир кард. Он замон филиали Академияи илмҳои Иттиҳоди Шӯравиро академик Е.Н.Павловский (1884-1965) роҳбарӣ менамуд, ки дар барқарор ва пешрафти илм дар Тоҷикистон саҳми арзанда гӯшоштааст.

сон. 1924 йил 24 сентябр. Аскарӣ ўқувчилар мажлиси //Озод Бухоро. 144-сон. 1924 йил 24 сентябр; Бухоро отлик полкида театр-томоша //Озод Бухоро. 118-сон. 1924 йил 26 июл.

¹ Ҳарбий трибунал - бу ҳарбий жиноятларни суд қилиш ҳайъати бўлиб, БХСР йилларида бу атама ҳарбий идорага нисбатан ишлатилиб, у Марказдан юборилган коммунистлар қўлида бўлган.